



Икки муқаддас масжид ходими – Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Марказий Осиё – Кўрфаз араб мамлакатлари ҳамкорлик кенгаши» форматидagi биринчи саммитда иштирок этиш учун жорий йил 18-19 июль кунлари Жидда шаҳрида бўлади.

Бўлажак олий даражадаги учрашувда Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Бахрайин Подшоҳлиги, Қатар Давлати, Кувайт Давлати, Бирлашган Араб Амирликлари, Умон Султонлиги, Қозғистон Республикаси, Қирғиз Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Туркменистон раҳбарлари ҳамда кенгашнинг бош котиби иштирок этиши кўзда тутилган.

Маданият ва туризм вазирлиги қoшидаги «Туризм хизматларини сертификатлаш маркази» томонидан World Halal Trust Group ва «Halal MAIB Халқаро сертификатлаштириш маркази» билан «Халол туризм» соҳасида яқин ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида меморандум имзоланди.



Остона шаҳрида Қозғистон ва Ўзбекистон ҳукумат раҳбарлари ўринбосарлари даражасидаги ишчи гуруҳнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Тимоти Смарт Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги янги элчиси этиб тайинланди. У 2023 йил август ойида ишга киришди. Смарт бунга қадар Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлигида Шарқий Урта ер денгизи департаменти бошлиги лавозимида фаолият юритган.



2019-2023 йилларда Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчиси сифатида Тимотисар Торлоу ишлаган эди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати хабар беришича, «Uzbekistan Airways» авиакомпанияси Миср ҳукумати томонидан мамлакатимизга инсонпарварлик ёрдами сифатида ажратилган гепатит С га қарши «Daclatasvir-60 mg» дори воситасининг ўнтинчи партиясини Шарм-эш-Шейхдан Тошкентга етказиб берди.



Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари Жамшид Ходжаев бошчилигидаги ишчи гуруҳ Наманганда бўлиб, инвестиция дастурлари ижроси билан танишди.

Жорий йилнинг 10-17 июль кунлари Япониянинг Токио шаҳрида бўлиб ўтган 53-Халқаро физика олимпиадасида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, Мирзо Улугбек номидаги итисослаштирилган мактабнинг 11-синф ўқувчиси Жавахир Султонов бронза медални қўлга киритди.

Бугун Андижон вилоятининг энг хушманзара гўшаси Хонобод шаҳрида «Дунё садолари» халқаро миллий эстрада санъати фестивали бошланди.



ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси
Ижроия қўмитасининг 10-мажлиси бўлиб ўтди

Федерация раиси Қудратилла Рафиқов олиб борган йиғилишда тармоқ касба уюшмалари Республика кенгашлари раислари ва раис ўринбосарлари, Федерациянинг ҳудудий кенгашлари раислари, Федерация тасарруфидagi ташкилотлар раҳбарлари, Федерация аппаратининг бўлим мудирилари ҳамда масъул ходимлари иштирок этишди.

Танқидий ва таҳлилий руҳда ўтган мажлисда касба уюшмаларининг ўтган даврдаги фаолияти ҳамда келгусидаги долзарб вазифалари муҳокама марказида бўлди.

Қайд этилишича, мамлакатимизда кенг қўламда ислохотлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Бу жараёнда касба уюшмалари ҳам фаол иштирок этаётир. Хусусан, яқинда бўлиб ўтган мамлакатимиз ҳаётидаги ўта муҳим сиёсий воқеа – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ҳам тизим вакиллари фаоллик кўрсатишди. Унда сайловчиларнинг 87,05

фоиз овози билан Шавкат Мирзиёевнинг ғолиб бўлиши мамлакатда амалга оширилган улкан ислохотларнинг самараси халқимиз томонидан яқдиллик билан эътироф этилганини англатади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти ўз лавозимидаги киришмига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан касба уюшмалари фаолияти учун келиб чиқадиган вазифалар кенг таҳлил қилинди. Сўнгра навбатдаги масала – Агротранспорт мажмуи ходимлари касба уюшмаси ташкилотлари томонидан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг VIII Қурултойи қарорлари ҳамда 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишларида белгиланган вазифалар бажарилиши муҳокама қилинди.

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси тизимидаги олий ва ўрта-маҳсус таълим муассасаларида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар таҳлилида, хусусан, соҳадаги долзарб

йўналишлар барчанинг муҳим вазифаси бўлиб қолиши алоҳида уқтириб ўтилди. Шунингдек, йиғилиш катнашчилари Андижон вилоятидаги ташкилотларда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши бўйича ўрганишлар натижаларини танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқдилар.

VIII Қурултой қарорларининг бажарилиши ҳамда Федерация вакилларининг хорижий хизмат сафарлари самаралари хусусидаги ахборотлар катнашчилар эътиборига ҳавола этилди. Ижроия қўмита иштирокчилари ёз мавзусида болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилиши бўйича олиб борилаётган ишларни алоҳида диққат билан кўриб чиқдилар. Қайд этилганидек, бугунгача ўрганилган ҳолатлар шуни кўрсатмоқдаки, Федерация таркибидagi болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини таш-

кил этиш департаменти фаолиятини янада ривожлантиришни давр тақозо этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда йиғилишда масъулларга фаолиятини янада ривожлантириш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Кейинги масала – Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан кенг қўламда амалга оширилаётган қурилиш, капитал таъмирлаш, реконструкция ишларида маблағларнинг мақсадли сарфланишини таъминлаш хусусида сўз юритилиб, жараёни оммавий ахборот воситаларида кенгроқ ёритиш таклифлари ҳам илгари сурилди.

Кўн тартибидagi долзарб масалалардан бири ишчи-ҳодимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашни янада кенгайтириш жараёнида уларни касба уюшма аъзоллигига кенг жалб этиш ишлари жиддий таҳлил қилиниши бўлди. Таъкидланганидек, бу борадаги ишлар суст кетмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Наманган, Навоий, Жиззах ви-

лоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида ишлар кўнгилдагидек эмас. Ҳолбуки, Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2023 йилнинг январь-март ойларида республикада корхона-ташкилотлар сони 74 мингтага ортган. Демак, бу борада имкониятлар янада кенгайган. Келгусида ишларни шунга монанд ташкил этиш, касба уюшмаларининг асосий вазифаси бўлган ишчи-ҳодимлар манфаатларини ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш энг долзарб вазифалардан бўлиб қолади.

Мажлис давомида «Аёллар дафтари» билан ишлаш тизимининг 4-босқичи доирасида олиб борилаётган ишлар кенг таҳлил этилиб, муҳим йўналишлар белгилаб олинди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Ижроия қўмитасининг 10-мажлиси кўн тартибида белгиланган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Мавзулар юзасидан масъулларнинг маърузалари тингланлиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз муҳбиримиз

Андижон вилояти Касба уюшма аралашгач...

27 ЙИЛЛИК

таътил пуллари ундириб берилди

Ҳавасхон Абдасова Шаҳрихон тумани тиббиёт бирлашмасининг кўп тармоқли марказий поликлиникаси бўлим бекаси бўлиб, роппа-роса 27 йил ишлади. У шу давр мобайнида бирор марта меҳнат таътилга чиқмаган ёки таътилни бошқа ойга, бошқа йилга кўчиришни сўраб ариза ёзмаган, ўрнига одам бўлмагани сабабли таътилга чиқмасдан ишлаган.



Собиқ бўлим бекаси ёшга доир пенсияга чиққач, таътил пуллари ундириб беришни сўраб, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгашига мурожаат қилди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Андижон вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқи инспектори Шаҳобиддин Деҳқонов даъвогарнинг вакили сифатида фуқаролик ишлари бўйича Бўстон туманлараро судига даъво аризаси киритди.

Ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди. Суд қарори билан собиқ хўжалик бекасига 27 йиллик фойдаланилмаган меҳнат таътили, ҳар бир йилга 24 кун меҳнат таътил куни ҳисобланиб, жами 648 фойдаланилмаган меҳнат таътили кунларига 43 мил-

лион 125 минг 379 сўм компенсация ундирилиши лозим топилди.

Дарвоқе, баъзида касба уюшмалари бизга нима қилиб берапти, деган иддаолар қулоққа чалиниб қолади. Уларга исбот сифатида бир маълумот келтирамиз: Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши Андижон вилояти бўйича меҳнат инспектори ўтган йил мурожаатларни ўрганиш натижалари бўйича 752 нафар ходимнинг 4 миллиард 550 миллион 729 минг 618 сўм мажбурий проғул кунлари учун иш ҳақлари, ўз мuddатида тўланмаган иш ҳақлари ва унга тенглаштирилган тўловларни ундирган.

Анваржон ҲАЛИМОВ «ISHONCH»

Тошкент вилояти Миннатдорлик

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгашига нурафшонлик фуқародан хат келиб тушди. Унда: «Касба уюшма ишчи гуруҳининг ўрганиши тўғрисида, ҳозир менинг ишга тикланишим ҳал бўлди. Мурожаатим ижобий ҳал этилгани учун касба уюшмаларига миннатдорлик билдираман» деб ёзилган эди.

«Мен яна ишимга қайтдим»

Гап шундаки, Нурафшон шаҳрида яшовчи Назокат Абдуллаева 2021 йилдан буён Ёшлар ишлари агентлигининг Тошкент вилояти бошқармасида Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўйича мутахассис вазифасида ишлаб келаётган эди.

Шу йилнинг март ойида Наврўз байрами муносабати билан берилган беш кунлик таътил давомида виртуал қабулхона орқали келган мурожаатлардан айримларининг мuddати ўтиб қолади. Дам олиш кунларидан сўнг, дарҳол аризаларни ёпишга киришган Назокатни ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиги қақиртиради. Бўлим бошлиғи унинг ишда йўл қўйган камчилиги учун раҳбар топшириғи билан бу ташкилотдан бўшатилишини, Ўрта Чирчиқ туманига ротация қилинишини айтади.

Назокат аини пайтда ёш болали бўлган, бунинг устига, ҳомиладорлиги боис бундан қаттиқ тушкунликка тушади. Унинг ишдан бўшашини талаб қилишавергач, ноилоҳ Ўрта Чирчиқ туманига боришга рози бўлиб, вилоят бошқармасидан бўшаш тўғрисида ариза ёзиб беради.

Афсуски, Ўрта Чирчиқ туманидан ваъда қилинган жой ҳам «бировники» бўлиб чиқмади. Бошқармадагилар эса унга «бу ишни тезда ҳал қилиб берамиз, ишсиз қолмайсиз» деб ваъда беришди. Лекин бу иш тезда ҳал бўлавермайди ва оқибатда у икки ярим ой мuddат ишсиз қолиб кетади.

Назокат ҳуқуқи бузилганини англаб етгач, ҳолатнинг қонуний кўриб чиқилиши ва ижобий ҳал этилишини сўраб, касба уюшмаларига мурожаат қилади.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспекторлари олиб борган ўрганишлар ва кўрган чоралар натижасида Назокат Абдуллаева Ёшлар ишлари агентлигининг Нурафшон шаҳар бўлими бош мутахассиси лавозимида ишга қабул қилинди.

Шокир ҲАЗРАТҚҮЛОВ,

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши меҳнат инспектори

Шаҳноза АҲМЕДОВА,

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича бош мутахассис



Тошкент вилояти

Ёзги соғломлаштириш

ШОДЛИК УЛАШГАН ТАШАББУС



Қорақалпоғистоннинг Тахياتош туманида яшовчи 13 ёшли Шерзодбек илк бор оила бағридан чиқиб, Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги оромгоҳга келди. У биз билан суҳбатда Оқтошнинг ҳавоси жуда ёққанини айтди.

– Оромгоҳда биринчи марта бўлишим. Бу ерда турли жойлардан келган тенгдошларим билан дўстлашдим. Яна теннис ўйнашни ва сузишни ўргандим, – дейди у. Шерзодбек «Иссиқлик электр станциялари» акциядорлик жамияти бирлашган касаба уюшма кўмитасининг ташаббуси билан ёзги таътилни сўлим гўшаларда ўтказётган болалардан бири.

Шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятидаги иссиқлик электр станциялари ишчи-ҳодимларининг фарзандлари Тошкент вилоятининг «Ҳазалкент» болалар оромгоҳида таътилни ўтказишмоқда. Айти пайтда бошқа вилоятларда ҳам 1 минг 400 нафарга яқин бола соғломлаштириш марказларида дам олишмоқда.

– Ишчи-ҳодимлар фарзандларининг саломатликларини тиклаш, уларнинг ёзги таътилда мароқли ҳордиқ чиқаришларини таъминлашни режалаштирганмиз, – дейди «Иссиқлик электр станциялари» акциядорлик жамияти бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси ўринбосари Темурбек Бекмирзаев. – Бу галги мавсумда ҳодимлар фарзандларининг 2 минг нафарига тоғ бағридаги оромгоҳлар учун йўлланма бериш кўзда тутилган. Келгуси йилларда янада кўпроқ болажоннинг қувончига шерик бўлишни мақсад қилганмиз.

Эъзоа УМУРЗОҚОВА
«ISHONCH»
Муаллиф олган суратлар.

Навоий вилояти

Навоий вилоятида 2023 йилнинг ёз мавсумида 18 та оромгоҳ фаолият олиб бормоқда, шундан 11 таси стационар, 5 таси кўндузги, 2 таси меҳнат ва дам олиш оромгоҳларидир.

Вилоятда 4 босқичда 11 та оромгоҳда жами 15 минг 440 нафар болаларни дам олдириш режалаштирилган. Шундан биринчи мавсумга 3 минг 621 нафар

МАВСУМ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

бола қабул қилинди. Оромгоҳларда болалар адабиётлари ва янги нашрларга бой кутубхона, ижодий-бадий, спорт, шунингдек, инглиз тили ва компьютер саводхонлигини ошириш бўйича тўғрақлар фаолият кўрсатаётир. Махсус дастур асосида машғулотлар, фан кечалари, викториналар, мушоиралар, турли танлов ва мусобақалар эса барча-барчага завқ улашмоқда.

Оромгоҳлар ўртасида соғлом, дўстона рақобат уйғо-

тиш ва болаларнинг вақтларини мазмунли ўтказиш ҳамда оромгоҳлар фаолиятини тўла-тўқис намоён этиш ва тарғиб этиш мақсадида 5 та йўналишда видеороликлар танлови ҳам ўтказилиб, ғолиблар мавсум якуни бўйича тақдирланади.

Мансур МАНСУРОВ,
Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаментининг Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи

Бухоро вилояти

«Бухоро минтақавий темирйўл узели»

унитар корхонасининг Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларидаги ходимларининг 656 нафар фарзанди Самарқанд шаҳридаги «Сафеди» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳамда 41 нафари эса Самарқанд туманидаги «Алпомиш» оромгоҳида дам олдирилди.



ЗАВҚ-ШАВҚ УЛАШИБ

Оромгоҳларнинг хуш манзарали табиати, турли маданий ва спорт мусобақалари, сув ҳавзаси, хуштаъм таомлар болажонларга аъло кайфият бахш этди.

Болажонларнинг дам олишларини мароқли ва сермазмун ўтказиш мақсадида юқори малакали тарбиячилар ва етакчилар, маҳоратли ошпазлар ва шифокорлар жалб қилинди.

Насиба БОБОМУРДОВА

Жиззах вилояти

Иқтидорлар юзага чиқмоқда

Жиззахдаги Шароф Рашидов номли оромгоҳ учинчи мавсумини бошлади. Айти кунларда 100 нафар болажон ёзги таътилни мароқли ўтказмоқда.

Оромгоҳда таътил кунларини таассуротларга бой равишда ташкил этиш учун етарли шароитлар яратилган. Бой китоб фондига эга кутубхона, маданият маркази, спорт майдончалари болалар ихтиёрида.

– Бу йил бошлангич синфни тугатдик, – дейди Фотима ва Хусанжон Бобоевлар. – Оромгоҳда ҳамма нарса муҳайё қилинган экан. Жуда хурсандмиз.

– Турли хорижий тиллар, шахмат-шашка ва бошқа кўплаб тўғрақлар ташкил этилган, – дейди Жиззах шаҳридаги 19-умумтаълим мактаби ўқувчиси Зоҳир Олимжонов. – Кўчма кутубхона ҳаммага гавжум. Ўз билим ва кўникмаларимизни «Заковат» интеллектуал ўйинида янада мустаҳкамлаёмиз.

Оромгоҳда турли маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш анъана тусини олган. Бу болалар иқтидорини юзага чиқаришга, уларни янги ютуқлар сари ундашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Муқимбой ИСМОИЛОВ
«ISHONCH»



Фарғона вилояти

«ШҲХАЙ»ДА ШОДОН КУЛГИЛАР

Фурқат туманида жойлашган «ШҲхай» болалар оромгоҳида 100 нафар ўғил-қиз вақтларини мазмунли ўтказмоқда. Айтиқса, серсоя дарахлар остида ўтказилаётган мусобақалар, ижодий танловлар болажонларга жуда манзур бўлмоқда.



– Айти пайтда оромгоҳда 3-мавсум давом этмоқда. Бу ерда болажонлар учун барча шароитлар яратилган, – дейди оромгоҳ бош етакчиси Шаҳлохон Сиддиқова. – Оромгоҳда ўтказилаётган тадбирлар, таълим-тарбия жараёнлари ёш авлоднинг дунёқарашини бойитиш, ижодий қобилиятларини шакллантириш, спорт мусобақалари эса уларнинг жисмоний чиникишида муҳим омил бўлмоқда.

– Шу кунгача «Эгри ва тўғри», «Доно йигит», «Бўри билан мерган», «Олтин тарвуз» эртақ китобларини ўқиб тугатдим, – дейди Абдурахмон Мамарозиков. – Бундан ташқари, дўстларим билан шашка, стол тенниси, футбол ўйнаб, кунимизни мароқли ўтказаямиз.

Гуруҳлар ўртасида турли мавзудagi саҳна кўринишлари, спектакллар, эртақлар ва мусиқий дастурлар ҳар бир кун мароқли ўтишига хизмат қилмоқда.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

Ахлоқ полицияси яна фаолиятда



Эрон одоб-ахлоқ полицияси 2022 йил сентябрь ойида ҳижобни «нотўғри» кийгани учун ҳибсга олинган 22 ёшли Махса Амийнинг ўлими билан боғлиқ но-

розилик намойишлари туфайли юзага келган танлафусдан сўнг кўчаларга қайтди. Уша воқеадан сўнг одоб-ахлоқ полицияси фақат вақти-вақти билан кўчаларда патруллик қилаётганини кўриш мумкин эди. Декабрь ойида эса, ҳатто, ушбу маҳкама тарқатиб юборилгани ҳақида хабар берилган. Кейинроқ бу ахборотни «Associated Press» агентлиги рад этган.

Полиция матбуот котиби, генерал Саид Мунтазирулмаҳдий маълум қилишича, одоб-ахлоқ полицияси жамоат жойларида ҳижобсиз юрган аёлларни аввал огоҳлантириб, сўнг қўлга олишда давом эта бошлаган.

Қуёшда портлашлар

16 июль куни Қуёшда учта кучли портлаш кузатилган. Бу ҳақда академик Е.К.Федоров номидаги амалий геофизика институти сайтида хабар берилди.

Унда ёзилишича, биринчи портлаш 14 дақиқа давом этган ва КВ-радиоалоқа узилиб қолишига сабаб бўлган. Кечга бориб эса яна иккита портлаш қайд этилган.

Айтиш жоизки, Қуёшдаги портлашлар Ерда магнит бўронларини келтириб чиқариши мумкин. Натижада энерготизимлар издан чиқиши, қушлар ва ҳайвонлар миграциясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари, кучли бўронлар қисқа тўққинли алоқаларни ишдан чиқариши ва навигация тизимларининг ишларига таъсир кўрсатиши ҳамда саноат тармоқларида кучли тушиб кетишига сабаб бўлади.



Оламда

Тинч уммонда уч ой

Австралиянинг «9 News» телеканали тарқатган хабарга кўра, Тинч океанда 51 ёшли австралиялик Тим Шеддок исмли киши қутқарилган, у ити билан бирга уч ой давомида очиқ океанда ўз кемасида сузиб юрган.

Маълум бўлишича, Шеддок апрель ойида катамаранда ити ҳамроҳлигида Мексиканинг Ла-Пас портидан йўлга чиққан. У Тинч океанидаги Франция Полинезия архипелагига қадар 6000 км. масофани босиб ўтишни режалаштирган. Саёҳат бошланганидан бир неча ҳафта ўтгач, улар бўронга дуч келган. Оқибатда катамарандаги электроника ва радио алоқалари ўчиб, кема бошқариб бўлмайдиган ҳолатга келган. Шу вақт ичида улар ёмғир сувини ичган ва океанда овланган хом балиқни истеъмол қилган.

6 июль куни балиқ овлаш кемасидаги вертолёт томонидан улар аниқланади ва қутқарилади.





БУЛУНҒУР СУВ ОМБОРИ:

Қурилишдаги қинғирликлар туфайли муаммолар гирдобиди қолган Пахтабоши қишлоғи аҳли дардини кимга айтишни билмаяпти



Бундан тўрт йил муқаддам Самарқанд вилоятининг Пахтабоши қишлоғида ҳукуматнинг тегишли қарорига биноан, Булунғур сув омбори қурилиши бошланган эди. Ушандан буён бунёдкорлик ишлари ҳамон давом этмоқда. Устига-устак, ўтган давр мобайнида ушбу вазифа зиммасига юклатилган «Зарафшонмахсуссүвқурилиш» МЧЖ раҳбари тўрт марта ўзгарди. Дебачасига 2019 йили қурилишни бошлаган биринчи раҳбар Сирожиддин Ўринов цемент ва арматура каби бинокорлик материаллари пулланишига йўл қўйгани туфайли лавозимидан озод этилди. Сўнгра МЧЖни навбати билан Абдували Шарипов ва Зоҳид Усмонов бошқарди. Аммо орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, икковининг ҳам фаолиятида хато-камчиликлар мавжудлиги аниқланиб, бирин-сирин вазифасидан бўшатилди ва... хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, Сирожиддин Ўринов 2023 йилда яна ўз ўрнига қайтди. Пахтабошиликлар эса бу ажабтовур ҳангомалардан ҳам ҳайратга, ҳам хавотирга тушдилар.

Ҳайрат билан дейишимизнинг боиси шундаки, коррупцион далиллар асосида ишдан олинган собиқ бошлиқ қандай қилиб қайта лавозимига тиклангани кўпчиликка номалъум бўлиб, масаланинг хавотирли жиҳати эса аҳоли омбор қурилиши сифатли олиб борилаётганига катта шубҳа билан қараётгани, шу боис хусусий ҳовли-жойларда қурилиш ёки таъмирлаш ишларини амалга оширишга иккиланган қолгани билан боғлиқ эди.

– Омбор барпо этилиши жараёнидаги қинғирликларни кўриб-кузатиб келяпмиз, – дейди пенсионер педагог Бозорбой Бобомуродов. – Аввалига иш бошланиши биланоқ барча бинокорлик ашёлари сотилди. Кейин деярли ҳар йили МЧЖ бошлиғи алмаштирилди. Аммо бу билан ҳеч нарса ўзгармади. Одамлар орасида тарқалган гап-сўзларга кўра, раҳбарлар ишни яхши ташкиллаштири олмаётган, сув омборини бунёд этиш учун ажратилаётган маблағларни «еб қўйишаётган» эмиш. Бу йил қишдаги воқеа эса бизни янада қаттиқроқ ташвишга солиб қўйди. Негаки, ёгингарчилик чоғи омбор тўғонининг бир томони ювилиб кетибди. Ҳамқишлоқларимиздан бири уни кўриб қўйди, видеого олибди. Уша тасвирлар бутун қишлоққа тарқалган, одамлардаги ваҳима ва хавотир баттар кучайди. Устига устак омборга ёндош каналда тўпланган ёмғир сувлари тўғри бошқарилмагани туфайли ўзанидан тошиб, хонадонларга оқиб кирди. Табиийки, бундай шароитда барчамиз зурриётларимиз тақдирдан хавотирланамиз, уларга атаб уй-жой қу-

ришга юрагимиз дов бермайди.

Отахоннинг гапларини эшитиб, биз ҳам ўйланиб қолдик: ҳали омбор қурилиши битмай туриб, шунча нохушликлар рўй бераётган бўлса, кейин нималар юз берадикин? Тўғри, маълум қисмидаги тупроқ бир йиллик ёмғирга дош беролмай ювилиб кетган, қурилиши ҳали ниҳоясига етмаган дамба ҳозир таъмирланган. Лекин у келгусида кўпйиллик ёгингарчиликларга, ичига тўлдирилган сув босимида дош бера олармикин? Бирор фалокат рўй берса, қишлоқ аҳлининг ҳоли не кечаркин? Уларнинг бошига иккинчи Сардоба фожиаси тушмаслигига ким кафолат бера оларди?

– Ажабланарлиси, омбор қурилиши учун қишлоқ аҳолиси шу пайтгача деҳқончилик қилиб келган энг унумдор ерлар танланди, – дея сўхбатга қўшилади Розия Пирматова. – Биз ҳукуматимиз бу ерда сувни тўплаб, қўшни туманларга етказиб беришни лозим топганига қарши эмасмиз. Лекин, қандайлигидан қатъи назар, иншоот ҳар томонлама сифатли қурилиши шарт! Аммо амалда бундай бўлаётганига ҳеч биримиз ишонмаймиз.

Энди қишлоқ одамларини қийнаётган бошқа муаммоларга ҳам тўхталиб ўтайлик. Менинг муҳбир эканлигимни эшитганлар бир жойга жамланиб, «Бизнинг арз-додларимизни мутасадди ташкилотлар масъулларига етказмасангиз бўлмайди», деб оёқ тираб туриб олишди. Уларнинг таъкидлашларича, омбор қурила бошлангач, қишлоққа оқар сув бериш тўхтатилган. Кўпчилик ҳовлисида чуқурлиги 50-60 метрлик қудуқ қа-


зиб, ундан чиққан сув орқали деҳқончилик қилишга ўтган. Турган гап, қудуқларга махсус насослар ўрнатилади ва улар ишлаши учун электр энергияси керак бўлади. Бунинг учун ҳар бир оила ойига ўртача 250-300 минг сўмдан маблағ сарфлайди. Бироқ қишлоқда 1977 йили фойдаланишга топширилган трансформатор юқори кучланишга дош беролмаганидан тез-тез бузилиб, ортиқча овозгарчиликларни келтириб чиқаряпти. Холбуки, асосий даромади деҳқончилик ҳисобланган маҳаллий аҳолининг сувга эҳтиёжи катта. Туман электр таъминоти корхонасига эскирган трансформатор ва қулаб тушадиган даражага келиб қолган симёғочларни янгилаш борасида бир неча бор мурожаат қилинса-да, зарарча ўзгариш бўлмаган.

Иккинчи муаммо йўлга тааллуқли. Пахтабошига кириб борадиган, унинг ичкарисидаги узунлиги 3 километрга тенг асосий йўл ўта абгор аҳволда. Омбор қурилиши бошланиб, катта ва оғир юк машиналари дам-бадам кириб-чиқверганидан кейин у янада хароблашди. Ғадир-будир жойлари ёгингарчилик кезлари кўлмачаларга айланса, ёзда транспорт воситалари ўтганда ҳаммаёқни чанг қоплайди. Буни яхши билган қирақашлар мазкур кўчадан юришни хоҳлашмайди. Шунинг учун туман марказига, қўшни қишлоқларга, мактаб, боғча ва тиббиёт пунктига отланган пахтабошиликлар, жумладан, тексалар, ёш болали аёллар ва ўқувчилар дастлабки 3 қақиримлик масофани пиёда босиб ўтишга мажбурдирлар. Бу эса ёгингарчилик ва жазирлама иссиқ авжига чиққан пайтларда ҳар қандай кишининг ҳам асабини эгловлаб, тинкасини қуришти тайин.

Баъзи кишиларнинг айтишларича, масъуллар сув омбори фойдаланишга топширилгач, йўлни тузатишга ваъда беришган экан. Аммо қурилиш чўзилиб кетяпти. Бас, шундай экан, ҳозирча одамлар бемалол юра оладиган алоҳида йўлак қуриб беришса, асакалари кетмайди-ку!..

Биз эса Сув хўжалиги ва қурилиш вазирликлари, «Ўзсувқурилиш» АЖ, Бош прокуратура ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги мутасаддиларидан Булунғур сув омбори қурилиши юзасидан жиддий назорат ўрнатишларини ва ўрганишлар олиб боришларини сўраймиз. Зеро улар эрта бир кун сув балосидек мудҳиш қулфат булунғурликлар бошига тушмаслиги учун бугун, яъни қурилиш кетаётган пайтнинг ўзидаёқ зарур чоралар кўришлари шарт!

Пахтабошидаги йўл, сув ва электр энергиясига дахлдор масалаларни эса Булунғур тумани ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги масъуллари яқин орада ижобий ҳал этадилар, деган умиддамиз. Биз газетхонларни қишлоқ аҳлининг орзулари нечоғли ижобат топгани билан таништириш мақсадида яна мавзуга қайтиш ниятидамиз.



Зебо НАМОЗОВА «ISHONCH»



Маълумки, жорий қиш мавсумида ҳарорат кескин совиб, ҳудудларда экилган дарахт кўчатларига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Шу жумладан, Сирдарё вилояти ва Тошкент вилоятининг Бек-обод туманида ҳам кўплаб дарахт ва дарахт кўчатлари (асосан элдор қарағайи) совуқ уриши оқибатида нобуд бўлгани аниқланди.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг Сирдарё ва Тошкент вилоятлари бошқармалари томонидан мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида ўтган йилларда экиб қўйилган ниҳолларни асраб қолишга эътибор қаратилди. Хусусан, Сирдарё вилоятида экилган кўчатлар парвариши юзасидан масъул ташкилотларга 92 та ёзма кўрсатма юборилиб, кўчатларни сақлаб қолиш бўйича амалий чоралар кўрилди.

Бундан ташқари, кўчатлар парваришига лоқайдлик билан қараган 75 нафар масъулга Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг тегишли моддалари билан маъмурий баённомалар расмийлаштирилди.

Бекобод туманида ҳам мониторинг ишлари олиб бори-

«Ishonch»га жавоб берадилар...

«Ishonch» газетасининг 2023 йил 13 июндаги сонида «Фотоҳисобот учун экилган ниҳоллар» сарлавхали мақола чоп этилган эди. Мазкур мақолага Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги қўйидагича муносабат билдирди:

Муаммо назоратга олинди

либ, мутахассислар иштирокида чора-тадбирлар белгилаб олинди. Кўчатларни қуритишга йўл қўйган ва шикастлангирган 9 нафар масъулга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди.

Масъулларга ҳудудлар иқлимга мос бўлган ниҳолларни ўтказиш бўйича кўрсатмалар берилиб, экилган кўчатларни парвариш ва агротехник тадбирларни доимий равишда ўтказиш учун ўқув-семинарлар ўтказилди.

Шунингдек, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Ўрмон хўжалиги агентлиги томонидан жорий йил 4-24 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида экилган кўчатларни парвариш, суғориш ҳамда касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш ишларини агротехник қоидалар асосида ташкил этиш юзасидан семинарлар ўтказилди.

Семинарлар давомида ҳудудларнинг иқлим ва тупроқ шароитига мос бўлган да-

рахт ва бута турларини танлаш ҳамда экиш бўйича Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган тавсиянома тарқатилди.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идораларга суғориш тизими мавжуд бўлган ҳудудларда суғориш ишларини олиб бориш, суғориш тизими мавжуд бўлмаган жойларда махсус сув ташитиш техникаларини сафарбар этган ҳолда суғоришни ташкил этиш, кўчатларнинг кўкарувчанлигини ўрганиш, қуриб, нобуд бўлишининг олдини олиш мақсадида тезкорлик билан агротехник тадбирларни амалга ошириш юзасидан Экология вазирлигининг топшириқ хатлари юборилди.

Ҳозирги кунда янги экилган дарахт ва бута кўчатлари қуриб қолишининг олдини олиш мақсадида Сирдарё ва Тошкент вилоятларида график асосида суғориш ишлари ташкил этилган.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг биринчи ўринбосари **О. ҚУДРАТОВ**

Кўчатларни совуқ урган экан

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги «Ishonch» газетасининг 2023 йил 20 июндаги сонида чоп этилган «Диққатга сазовор жойдаги «диққатга сазовор» манзаралар» сарлавхали мақолага қўйидагича муносабат билдирди:

Экология вазирлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси мақолада келтирилган манзилда ўрганиш ишлари олиб борилади. Ўрганиш давомида бу ерда жорий йил 1 март куни «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида 15 туп дарахт кўчат экилгани, олиб борилган агротехник тадбирларга қарамасдан, улардан 14 тупи қуригани маълум бўлди.

Мутахассислар ҳулосасига кўра, ўсмаган кўчатларни қиш мавсумида кузатилган ано-

мал совуқда совуқ урган ва экиш ишлари амалга оширилган вақтда дарахтлар вегетация даврида бўлгани сабабли ўсувчанлигини йўқотган кўчатларни ажратиб олишнинг имкони бўлмаган.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси ва кўчат экиши берувчи ташкилот ўртасида тузилган шартнома шартла-

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги биринчи ўринбосари **Ж.КАЗБЕКОВ**



ридан келиб чиқиб, ушбу қуриган кўчатлар ўрнига соғлом кўчатларни етказиб бериш ва жорий куз мавсумида экишга келишилганини маълум қиламиз.

Газета таҳририяти жамоасига атроф-муҳит муҳофазасига қаратаётган эътибори учун миннатдорлик билдираемиз.

Бугун...

Туркияда ўрмон ёнғинлари кучаймоқда

Туркия Қишлоқ ва ўрмон хўжаликлари вазирлиги Мерсин вилоятидаги Гулнар қишлоғида юз берган ўрмон ёнғинларини ўтиришчилар вертолётлар ёрдамида бартараф этишга ҳаракат қилаётгани ҳақида хабарлар тарқатди.

Қайд этилишича, Гулнар қишлоғи «Аккую» атом электр станция қурилаётган майдондан 40 километр узоқликда жойлашган бўлиб, айни вақтда аланга у томонга йўналган.

Туркияда қурилаётган ушбу объект Россия иштирокида амалга оширилмоқда ва у Туркиядаги илк атом электр станцияси ҳисобланади.

Станция тўлиқ ишга тушгандан кейин йилига 35 миллиард киловатт-соат ишлаб чиқаради ва электр энергиясига бўлган мамлакат эҳтиёжининг 10 фоизини қоплайди.



Жанубий Кореяда кучли жала

Жанубий Кореяда ўтган ҳафтадан буён кучли жала кузатишмоқда. Корея метеорология идораси тарқатган хабарга кўра, турли вилоятларда ёгингарчилик 470 миллиметрдан ошган.

Ҳозирги кунда, давом этаётган кучли жала, сув тошқинлари ва ер қўчишлари оқибатида ҳалок бўлганлар сони 32 кишига етди, 10 киши бедарак йўқолган, деб хабар тарқатди Ренхал агентлиги.

Сув тошқинлари туфайли 211 та йўл, жумладан, миллий автомагистраллар ҳамда 20 та миллий паркларда сайр қилинадиган сўқмоқлар ёпиб қўйилган. Мамлакат марказини бошқа ҳудудлар билан боғловчи тезорар ва мунтазам қатнайдиغان поездлар ҳаракати ҳам тўхтатилган.

Метеорологларнинг прогнозларига кўра, марказий ва жанубий ҳудудларда кучли жала сешанба кунигача давом этиши мумкин.



Ноқонуний миграция бўйича мурося

Ўрта Ер денгизи орқали Европа Иттифоқига ўтиш учун хавфли уринишлар қилаётган муҳожирлар сони ортиб бораётган бир пайтда, Брюссель ва Тунис ноқонуний миграцияга қарши биргаликда курашни кучайтиришга келишиб олишган. Тегисли ҳужжат имзолангани ҳақида 16 июль куни Еврокомиссия раҳбари Урсула фон дер Ляйен, Италия ва Нидерландия бош вазирлари Марк Рютте ва Жоржа Мелони ҳамда Тунис президенти Кайс Саид маълум қилган.

Ушбу келишувга кўра, Европа Иттифоқи оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолган Шимолий Африка давлатига 900 миллион евро миқдорида молиявий ёрдам кўрсатади. Европа сиёсатчилари иштирокида ушбу келишув бўйича музокаралар таҳминан бир ой олдин Тунисда бўлиб ўтган. Ўз навбатида, Тунис ноқонуний миграцияга фаол қаршилик кўрсатиш ва контрабандачиларнинг ўз қирғоқларидан Европага боришга уринишини тўхтатиш мажбуриятини олди.

ЕИ маблағларидан 100 миллион евро денгизда муҳожирларни қидириш ва қутқариш, шунингдек, уларни ўз ватанига қайтартиш учун йўналтирилиши режалаштирилмоқда.

Қайд этилишича, жорий йилда Европа Иттифоқига Ўрта Ер денгизи орқали келган ноқонуний муҳожирлар сони кескин ошган. Кўпчилик учун Тунис транзит нуқтадир. Муаммо айниқса Италия учун кескин. Йил бошидан буён у ерда денгиз орқали мамлакатга келган 75 минг муҳожир рўйхатга олинган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 31,9 минг эди.

Қашқадарь вилояти



Борингизга шукр!

Инсон оддийгина масалаларда хатога йўл қўйиб, бунинг жабрини умр бўйи тортиши мумкин. Бу фикрга Республика болалар ижтимоий мослашув марказининг Қарши минтақавий филиалида бўлганимизда яна бир бор амин бўлдик.

Хозир бу ерда саломатлигида турли даражадаги нуқсон бор 52 нафар бола муолажа олмакда. Улар орасида «Болалар церебрал фалажи», «Аутизм», «Даун синдроми», таянч ҳаракат органларида муаммоси борлар, нутқида нуқсон бўлган ҳамда турли ирсий касалликлар билан хасталанган ўғил-қизларни учратиш мумкин.

Филиал касоба уюшма қўмитаси раиси Дилафрўз Сафарованинг айтишича, юқоридаги касалликларнинг асосий сабабларидан бири – яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ. Афсуски, баъзилар ўз жиёни ёки амакиваччасидаги дилтортар фазилатларга ошурфта бўлиб, бу қариндошига оғиз солишга, аниқроғи, қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилади. Ҳатто, улар қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг яхши оқибатларга олиб

келмаслиги ҳақидаги гап-сўзлардан дурустгина хабардор бўлса-да, таваккал қилишади. Бухоронинг Пешку туманидан келган Моҳинабону Саидова ўғли Улуғбекни даволатиш учун ўтган йилнинг февраль ойидан буён минтақавий филиалга келишини айтди.

– Хозир 7-курс муолажаларни оляпмиз, – дейди у. – Худого шукр, ўғлим юриб кетди, ўзини-ўзи эпллайдиган бўлди. Шифокорлардан миннатдоримиз.

– Келганимизга 10 кундан ошди, – дейди чироқчилик Хосият Жўраева. – Неварамага «аутизм» ташхиси қўйилган. Қисқа вақт ичида унда ижобий томонга ўзгаришлар пайдо бўлди.

Масканда ҳар бир бола билан индивидуал машғул олдиборилади. Узоқ ту-


Фидойилик

манлардан келувчилар учун ётоқхона мавжуд. Турли реабилитацион муолажалардан ташқари, даволоччи жисмоний тарбия машқлари ҳам йўлга қўйилган. «Фитобар»да гиёҳлардан дамламалар тайёрланади. Зарур пайтда ота-оналарга ҳуқуқий маслаҳатлар берилади. Қисқаси, ҳар бир ҳаракат ортида меҳр ва инсонга эътибор бор. Ижтимоий мослашув марказига опичлаб олиб келинган болаларнинг юриб кетганини кўрдик. Гапиришида нуқсонли борларнинг сўзлаётгани қувонарли.

Орда қолган уч йил давомида соғлом ҳаётга қайтганлар кўп бўлди бу масканда...

Гувоҳи бўлдики, Шоҳрух Муртозов раҳбарлигидаги жамоа меҳнати чин маънода машаққатли. Психолог Гавҳар Бекназарова, дефектолог Фарангиз Қаҳрамонова каби фидойилар ишини кўриб, уларнинг саботматонатига қойил қолдик. Марказда соҳа фидойилари ўз бурчларини бажаришмоқда. Биз уларга «Ҳаракатингиз бесамар кетмасин. Одамларга қувонч улашинг. Борингизга шукр!», деб қоламиз.

Акмал АБДИЕВ «ISHONCH»



«Ishonch» va «Ishonch-Dovepie» gazetolari tahrir hayati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hayati raisi), **Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV**

Bosh muharrir Mehiddin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), **Valentina MARSEN'YAK** (Mas'ul kotib – «Ishonch-Dovepie»)

Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 889-90-32
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir Z. Rixsiev

Musahhih D. Xudoyberganova

Shahfaloovchi H. Abduljalilov

Bosishga topshirish vaqti – 00:10
Topshirildi – 00:20

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «Poteka bank» Yashnobod filiali, bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va shahfalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma **G-713** Nashr ko'rsatkichi: **133** 1 2 3 4 5 6

Umumiy adadi 30372
14042 nusxasi «Sharq» nashriyot matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Давлат қабул комиссияси қарорига кўра, абитуриент ўзи танлаган биринчи йўналишга ўқишга кира олмаган, лекин 2-, 3-, 4-ёки 5-йўналишлардан бирига кирган бўлса, унга ўз хоҳиши билан биринчи танлаган йўналиши бўйича супер-контракт асосида ўқишга рухсат берилади.

Албатта, бу кимлар учундир хурсандчилик, кимлар учундир кўнгилхиралик ҳисобланади. Чунки талаба бўлиш илмий ҳаётнинг икки-уч йиллаб ҳозирлик кўрган абитуриентнинг ҳаминқадар тахсил олган йигит ёки қиз билан битта босқичда ва бир гуруҳда тахсил олиши ачинарли ҳолатдир. Унинг асорати орадан йиллар ўтиб, юзага қалқиб чиқади. Сабаби аён: ўқишга бир амаллаб кирган ва супер-контрактда ўқиган талабаларнинг баъзилари дипломини, таъбир жоиз бўлса, пулга сотиб олади. Борди-ю, ўз соҳаси бўйича олган билими етарли бўлмаса, мўмайроқ даромадли ишга таниш-билиш орқали бўлса ҳам жойлашиб олади. Бироқ, ҳарчанд уринмасин, зиммасидаги вазифани рисоладагидек бажара олмайдди. Бундан эса нафақат ўзи, балки у фаолият юритаётган ташкилот-корхона, алал-оқибат жамият ҳам катта зарар кўради.

Ўтган асрнинг энг фасоҳатли ва машҳур адибларидан бири шайх Али Тантовий роҳимахуллох «Маданият ва адабиётдаги фасллар» китобида шундай деб ёзган эди: «Чунтақдан нарсаси ўғирлайдиган талабадан имтиҳон пайти жавобни ўғирлайдиган талабанинг жинояти оғирдир. Чунки мол ўғирлаган кишининг жинояти таъбирини молни қайтариши билан кетади. Аммо жавобни ўғирлаган талаба ўша жавоб билан ёлғон баҳога эга бўлса, ундан сўнг ёлғон диплом олса, кейин хиёнат билан мансабга минса, унинг жинояти давом этаверади. Гоҳида у илми бўлмаса-да, дипломи билан «олим» бўлиб олади. Сўнг унинг қўлидан илмсизлар жамоаси етишиб чиқади. У худди юқумли касаллик вирусини кўтариб юрадаган киши сингари умматнинг жасадида дард бўлаверади».



ГАП ҚАНДАЙ АСОСДА ЎҚИШДА ЭМАС...

ёхуд супер-контрактнинг бекор қилиниши олий таълим соҳасидаги муаммога ечим бўла оладими?

Хабарингиз бор, яқинда соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов оммавий ахборот воситаси ходими билан суҳбат жараёнида вазирлик томонидан ҳукуматга тиббиёт йўналишидаги супер-контрактларни бундай йўқотиш таклифи киритилганини эслатиб ўтди. Халқ орасида эса гўёки беморлар тилидан айтилган «Биз супер-контрактда ўқиган шифокорларга ишонмаймиз, чунки ҳали яшашдан умидимиз катта» деган гап сўзлар юрибди.

Бу ҳазил эмас, аччиқ ҳақиқат! Лекин биз супер-контракт бўйича таълим олган ёшларнинг ҳаммасини ҳам шунчақ нўноқ дейиш фикридан йироқмиз. Улар орасида шифокорлик касбига астойдил меҳр қўйганлари, бу борадаги билими, малакаси ва иқтидорлилари

ҳам кўп. Мен уларнинг айримлари грантда ўқиганлардан ҳам каттароқ ютуқларга эришиб келаётганини билмаман.

Демоқчи бўлганим, ҳар бир ишда муваффақият қозониш, аввало, инсоннинг ўзига, касб-корини севишига, вазифасига виждонан ва масъулият билан ёндашишига боғлиқ. Бунинг учун эса, уларнинг контракт ёки супер-контракт асосида бўлишидан қатъи назар, олий таълим муассасаларида ёшларга халқорам талаблар даражасида пухта билим берилиши шарт. Биз буни доимо ёдимизда тутмоғимиз лозим.

Мадина ПЎЛАТ қизи «ISHONCH»

Узоқ яшаш сири

Ҳангома

– Отаҳон, авваламбор, Сизни кутлуғ юз ёшга тўлганнингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Ушбу муборока дамларда орда қолган ҳаёт йўлингизга бирров назар ташлаб, бизга узоқ умр кўриш сирлари ҳақида сўзлаб берсангиз.

– Энди, болам, сенга айтсам, мен ҳам шу заминда туғилдим, ҳамма қатори ўқидим, ишладим, оила курдим, бола-чақали бўлдим. Ҳозир неварачеваралар даврасида, сиз муҳбирларнинг тили билан айтганда, қариллик гаштини суриб яшапман. Бунинг сири Аллоҳданми, бандасиданми, аниқ билмайман, фақат умрим давомида менга улфат бўлган дўстларим мисолида бир нарсани айтишим мумкин. Бошингдан дўппини олиб қўйиб, гапларим мағзини чақиб олишга ақлинг етса керак, деб ўйлайман.

– Жуда яхши, отаҳон, Сизни жон қулоғим билан тинглайман, бошлайверинг.

– Ҳаётимда кўпдан-кўп одамлар билан ҳамсуҳбат бўлдим. Улардан энг яқинлари ҳар ойда чойхонада йиғилладиганлари эди. Бундан ташқари, деярли тенгқур дўстлару улфатлар билан кўп бор ош-қатиқ бўлганмиз. Афсус, ҳозир уларнинг баъзилари сафимизда йўқ, алақачон кукариб чиқишган. Жойлари жаннатда бўлсин, илоҳим!

– Отаҳон, тенгдош дўстларингиз бу дунёни Сиздан эртароқ тарк этишгани сабаби нимада?

– Бунинг сабабини ақлим етганича сўзлаб бераман, фақат гапимни бўлмасдан эшит. Улардан бири мансабга ҳаддан зиёд ружу қўйди, умр мазмунини юқори лавозимларда, деб билди ва озми-кўпми бунга эришди ҳам. Афсуски, энди давру даврон сураман, деганида дунё чархпалаги тескари айланиб, паства қулади. Оқибати нима бўлди, дегин? Юрак хуружига учраган дўстимиз уч ойда чўлда сувсиз қолган ниҳол каби қуриди, ёши ҳали элликка ҳам етмасдан омонатини топширди. Баъзиларга хайрон қолсан, олий маъмулотли бўла туриб, нахотки, мансаб ва бойлик ўткнчи эканлигини билмасан? Танжон соғлигидан, кўнгил хотиржамлигидан ортиқ нарса борми дунёда?.. Эҳ, хом сут эмган банди...

Қисқаси, унинг маъракасини ўтказётганимизда яна бир улфатимиз «хайр-хўш»ниям насиё қилиб, боқий дунёга рихлат қилди. Соппа-соғ юрган одам тап этиб ер билан битта бўлиб олса, ваҳимага тушаркансан. Ичимизда энг бойвачча, доим керилиб юрадиган, қасрдек уй-жойи, кўша-кўша машинаси бор, дўпписи ерга тушса, пул бериб бировга олдирадиган одамнинг вафоти бизга сирли жумбоқдек таъсир қилди. Сабабини ўйлаб, ўйимизнинг тағига ета олмай



юрган кунларимизда унга яқин сирдош бўлганлардан бири ёриди: «Еш кетди бечора, қирққа ҳам бормади-я! Аслида у орамизда пули энг кўп, мол-дунёси бехисоб эди. Лекин йиққан-тергани оғирлик қилди, юраги кўтара олмади. Ҳар тунда «Ана келди, мана келди, олиб кетади», деб алаҳсирайвериб, юраги шундан чиққан экан... Фақат бир илтимос, бу гап шу даврада қолсин. Ҳар қалай, яхшими-ёмонини, ҳаётлигида бир дастурхондан туз тотганимиз».

– Отаҳон, ахир бу дунёда ким бой бўлиши ёки юқори лавозимда ишлаши ҳавас қилмайди? Сизнинг фикрингизча...

– Гапимни бўлмай эшит, дедим-ку! Мунча бесабрсан?

– Ҳўп, ҳўп, давом этинг, қулоғим Сизда!

– Яна бири маишатга муккасидан кетганди. Қаерда аёл кишининг этагига кўзи тушса, юраги ҳаприқиб, ўзини йўқотиб қўярди. Ҳалол билан ҳаромнинг фарқини унутди. Охир-оқибат бедаво касалликка чалинди. Кейин «йўқлик»ка равона бўлди. Ўттизга ҳам тўлмаган хотини учта норасидаси билан бўзлаб қолди. Эҳ, бевафо дунё!

– Отаҳон, ахир...
– Жа-а маҳмадона экансан. Гапнинг бердсини эшит, кейин хулоса чиқарасан.
– Ия, гапниям олди-бердиси бўладими?!
– Олди-бердисини демадим, бердисини дедим. Кўп китоб ўқимаганинг шундан ҳам билиниб ту-

Ғайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси